

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**33-сон**  
**(221)**  
**2006 й.**  
**август**

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

331. «Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 августдаги 170-сон қарори

332. «Бухоро вилояти ва Самарқанд шаҳри сув таъминоти корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 августдаги 172-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

333. «Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг

- 2006 йил 2 августдаги 71-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 августда 11032-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
334. «Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 14 июлдаги 16/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 августда 557-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
335. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ–416-сон қарори билан белгиланган имтиёзлар қўлланиладиган, четдан олиб келинадиган дори-дармон ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ДАК «Ўзфармсанот»нинг 2006 йил 11 августдаги 7, 74, ЭГ-01/10-4572, 01-02/16-17, 6, 6-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 16 августда 1612-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
336. «Темир йўлларда почтани ташиш ва почта вагонларини эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2006 йил 17 июлдаги ГИ 1/6-7-16 ва 01-8/2319-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 16 августда 1613-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
337. «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йил 19 июлдаги 113, 116-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 августда 1614-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
338. «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини харид қилиш нархини шакллантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2006 йил 11 августдаги 73, 3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 августда 1615-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
339. «Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланадиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олиннадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солиқ солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшим-

чалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 18 июлдаги 66, 2006-30, 01-02/8-9-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 августда 1366-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 12 августдан 18 августгача бўлган маълумот

Тузатиш

+

-

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **331** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 майдаги ПҚ–350-сон ҳамда «Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини ташкил қилиш тўғрисида» 2006 йил 13 июндаги ПҚ–377-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Давархитектқурилиш» давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 август,  
170-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 11 августдаги 170-сон қарорига  
ИЛЮВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 6-бандда:

«а» кичик бандга қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган (қўшимча молиялаштириладиган) инвестиция лойиҳалари учун — лойиҳа ташаббускори такдимномаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда»;

учинчи ва тўртинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбоши ҳисоблансин.

2. 8-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган (қўшимча молиялаштириладиган) лойиҳани амалга ошириш вариантини, шунингдек лойиҳа бўйича лойиҳа ҳужжатлари таркибини танлаш ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларига мувофиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларга ўхшаш тартибда амалга оширилади».

3. 12-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) тавсия этилаётган инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти томонидан ишлаб чиқилади ёки унинг билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилади».

4. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «а» кичик банди» сўзлари «а» ва «б» кичик бандлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти томонидан ишлаб чиқиладиган ёки унинг билан келишиладиган, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) тавсия этилаётган инвестиция лойиҳаларининг ДТИА (ДТИХ) ваколатли экспертиза органларига фақат «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти Илмий-техника кенгаши ва Иқтисодиёт вазирлигининг уларни амалга оширишнинг устуворлиги ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш)нинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан, шунингдек мазкур Низом 14-бандининг «а» кичик бандида кўрсатилган масалалар бўйича ижобий ҳулосасидан кейин экспертизадан ўтказиш учун киритилади».

5. 14-бандда:

«б» кичик банднинг биринчи хатбошидаги «Талаб этиладиган асбоб-ускуналар (технологик линия)нинг тўлиқ ва батафсил рўйхати ташаббускор томонидан тақдим этилиши мумкин бўлмаган фавқулудда ҳолларда» сўзлари «Талаб этиладиган

асбоб-ускуналар (технологик линия)нинг, шу жумладан якка тартибда тайёрланадиган асбоб-ускуналар (технологик линия)нинг тўлиқ ва батафсил рўйхати ташаббускор томонидан тақдим этилиши мумкин бўлмаган ҳолларда» сўзлари билан алмаштирилсин».

бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) тавсия этилаётган, «Ўзоғир-нефтгазкимёлойиҳа» институти Илмий-техника кенгаши ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан кўриб чиқилган инвестиция лойиҳаларининг ДТИА (ДТИХ) биринчи босқичда Иқтисодиёт вазирлигида экспертизадан ўтказилмайди».

6. Низомга қўйидаги мазмундаги 15-1-банд қўшилсин:

«15-1. Ваколатли экспертиза органларининг ижобий хулосалари мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси кўрсатиб ўтилган Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) тавсия этилаётган инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда лойиҳа ташаббускорига ва Иқтисодиёт вазирлигига кўрсатиб ўтилган Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан тасдиқланадиган Инвестиция лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) мезонлари ва тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Дирекциянинг ваколатларига киритилган масалалар бўйича эксперт хулосаси тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда Иқтисодиёт вазирлиги лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ)ни лойиҳани амалга оширишнинг кўрсатиб ўтилган Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш)нинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини бошқариш бўйича Кенгашнинг навбатдаги йиғилишига киритади».

7. 16-банддаги биринчи хатбоши қўйидаги мазмундаги биринчи—учинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«16. Лойиҳа ташаббускори:

инвестиция лойиҳалари бўйича, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) тавсия этилаётган лойиҳалар бундан мустасно, — ваколатли экспертиза органларининг ижобий хулосалари мавжуд бўлган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) тавсия этилаётган лойиҳалар бўйича ваколатли экспертиза органларининг ижобий хулосалари, шунингдек кўрсатиб ўтилган Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашнинг ижобий қарори мавжуд бўлган тақдирда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментига икки нусхада лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ)ни ва уни амалга ошириш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини киритади;

иккинчи хат боши тўртинчи хатбоши ҳисоблансин.

8. 21-бандга қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) тавсия этилаётган инвестиция лойиҳасининг ТИА (ТИХ) мазкур банднинг биринчи хат бошида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар, шунингдек танлов савдолари ғолиби билан белгиланган тартибда ҳар

бети имзоланган контракт асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Ўзғирнефтьгазкимёлойиҳа» институти томонидан ишлаб чиқилади ёки унинг билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилади».

9. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. Лойиҳанинг ТИА (ТИХ)ни экспертизадан ўтказиш у тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда, айни бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва ваколатли банк томонидан, ушбу Низомнинг 13, 14 ва 15-бандларида кўрсатилган ваколатли экспертиза органларидан ҳар бирининг ваколоти доирасида амалга оширилади.

Лойиҳа ташаббускорига Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) тавсия этилаётган инвестиция лойиҳаси бўйича ижобий ҳулоса тақдим этилган тақдирда ваколатли банк кредит олиш учун буюртманома тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун кўрсатиб ўтилган Жамғарма ижро этувчи дирекциясига киритади».

10. 21-бандга қуйидаги мазмундаги 22-1 ва 22-2-бандлар қўшилсин:

«22-1. Ваколатли экспертиза органлари ҳулосалари мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) тавсия этилаётган лойиҳанинг ТИА (ТИХ) лойиҳа ташаббускори томонидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижро этувчи дирекциясига киритилади».

ТИА (ТИХ) тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси лойиҳа ташаббускорига ва Иқтисодиёт вазирлигига кўрсатиб ўтилган Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан тасдиқланадиган Инвестиция лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) мезонлари ва тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Дирекциянинг ваколатларига киритилган масалалар бўйича эксперт ҳулосаси тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижро этувчи дирекциясининг ижобий ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда Иқтисодиёт вазирлиги лойиҳанинг ТИА (ТИХ)ни лойиҳани амалга оширишнинг кўрсатиб ўтилган Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш)нинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини бошқариш бўйича Кенгашнинг навбатдаги йиғилишига киритади.

22-2. Лойиҳа ташаббускори:

инвестиция лойиҳалари бўйича, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) тавсия этилаётган лойиҳалар бундан мустасно, — ваколатли экспертиза органларининг ижобий ҳулосалари мавжуд бўлган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) тавсия этилаётган лойиҳалар бўйича ваколатли экспертиза органларининг ижобий ҳулосалари, шунингдек кўрсатиб ўтилган Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашнинг ижобий қарори мавжуд бўлган тақдирда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментига икки нусхада лойиҳанинг ТИА (ТИХ)ни ва уни амалга ошириш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаменти бир ҳафта



муддатда Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ инвестиция лойиҳасининг якуний техник-иқтисодий параметрлари билан бирга кўриб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ ҳужжатларни келишиш ва имзолаш учун киритади.

Лойиҳа ташаббускори лойиҳанинг ТИА (ТИХ) юзасидан бир ёки бир нечта ваколатли экспертиза органи хулосасига рози бўлмаган тақдирда тегишли ахборот-таҳлил департаментига асосланган хулоса тақдим этишга ҳақлидир. Тегишли ахборот-таҳлил департаменти лойиҳанинг ТИА (ТИХ)ни ваколатли экспертиза органлари ва лойиҳа ташаббускорининг хулосаларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган (қўшимча молиялаштириладиган) инвестиция лойиҳалари бўйича ҳужжатлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига кўриб чиқиш ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати билан келишиш учун киритилади.

Лойиҳа бўйича ТИА (ТИХ)нинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари Вазирлар Маҳкамасининг лойиҳани амалга ошириш бўйича қарорига илова сифатида тасдиқланади.

11. 25-банднинг олтинчи хатбошидаги «ТИАда» ва «якуний» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**332 Бухоро вилояти ва Самарқанд шаҳри сув таъминоти  
корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини  
таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Қайд этиш лозимки, республикада аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда.

Бухоро вилояти ва Самарқанд шаҳри аҳолисининг сув таъминотини яхшилашга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида умумий суммаси 66,1 млн АҚШ долларига тенг бўлган хорижий кредитлар жалб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қарорлари билан Самарқанд шаҳар «Сувоқова» ишлаб-чиқариш бошқармаси ҳамда Бухоро вилояти «Сувоқова» ишлаб-чиқариш-бошқармасининг ўз маблағлари ҳисобига хорижий кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни қоплаш назарда тутилган.

Бироқ, ушбу корхоналарда қарз маблағлари ҳисобига сотиб олинган асбоб-ускуналардан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш ҳолларига йўл қўйилган, ортиқча харажатларга йўл қўйилмоқда, айланма маблағларни корхоналарнинг иш ихтисос-



лигига мувофиқ бўлмаган товар-моддий бойликлар сотиб олишга жалб этилмоқда. Сув чиқариш иншоотларида бериладиган сув ҳажмлари бўйича ҳисоб-китобнинг йўқлиги энергетика ва сув ресурсларидан самарасиз фойдаланилишига олиб келмоқда.

Натижада дебитор ва кредитор қарзлар юқори даражада қолмоқда, лойиҳанинг ТИА кўрсаткичларига риоя қилинмаяпти, жалб қилинган хорижий кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажариш имконини бермайдиган зарарлар пайдо бўлмоқда.

Корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматларга тарифларнинг мақбул даражасини сақлаган ҳолда Самарқанд шаҳар «Сувоқова» ишлаб-чиқариш бошқармаси ҳамда Бухоро вилояти «Сувоқова» ишлаб-чиқариш бошқармасининг самарали фаолият кўрсатишини, шунингдек жалб қилинган хорижий кредитлар бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Самарқанд шаҳар «Сувоқова» ишлаб-чиқариш бошқармаси раҳбари (А. Вафоев) ҳамда Бухоро вилояти «Сувоқова» ишлаб-чиқариш бошқармаси раҳбари (Р. Астанов) эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилганлиги ва улар жинойий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бухоро вилояти ҳокими (С. Хусенов) ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими (М.Нурмуротов)га сув таъминоти корхоналарининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва хорижий кредитлар жалб қилинган ушбу лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таъсирчан назорат ва зарур даражада мувофиқлаштириш ишлари йўқлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Самарқанд шаҳар ва Бухоро вилояти сув таъминоти тизимини яхшилаш бўйича лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишни таъминлаш юзасидан тадбирлар комплекси 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ушбу тадбирларнинг ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимлари зиммасига юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва тарифлар даражасини мақбуллаштириш мақсадида 2007 йилдан бошлаб, Давлат бюджетини шакллантиришда Самарқанд шаҳар ва Бухоро вилояти аҳолисининг сув таъминотини яхшилашга йўналтирилган лойиҳалар доирасида жалб қилинган хорижий кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларнинг етмаган қисмига бюджет маблағларини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва ушбу қарорнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чоракда ахборот берилсин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 14 август,  
172-сон

\* 1-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 14 августдаги 172-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Франция Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Молиявий Протокол доирасидаги қарз маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 17 июндаги 305-сон қарорининг 4-бандида:

учинчи хат бошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари ҳисобига» сўзлари «Самарқанд вилоят, Самарқанд шаҳар «Сувоқава» ишлаб-чиқариш бошқармалари ҳамда «Туямўйин-Нукус» минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармасининг ўз маблағлари ҳисобига, етмайдиган қисми — маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига» сўзлари билан алмаштирилсин;

бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Молия вазирлиги 2007 йилдан бошлаб ҳар йили, Давлат бюджетини шакллантиришда олинган кредитлар бўйича асосий қарзни, фоизлар ва бошқа молиявий харажатларни қоплашнинг етмайдиган қисми учун маблағларни назарда тутсин».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро вилоятини сув билан таъминлашни яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 февралдаги 67-сон қарорининг 4-бандида:

учинчи хатбошидаги «ўз маблағлари» сўзларидан кейин «етмайдиган қисми — маҳаллий бюджет маблағлари» сўзлари қўшилсин;

бандга қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Молия вазирлиги 2007 йилдан бошлаб ҳар йили, Давлат бюджетини шакллантиришда олинган кредитлар бўйича асосий қарзни, фоизлар ва бошқа молиявий харажатларни қоплашнинг етмайдиган қисми учун маблағларни назарда тутсин»; тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон банки гуруҳи иштирокида «Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини сув билан таъминлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 11 декабрдаги 435-сон қарорида:

а) 5-банднинг учинчи хатбошидаги «бошқармалари маблағлари» сўзларидан кейин «етмайдиган қисми эса — республика бюджети маблағлари» сўзлари қўшилсин;

б) 7-бандга қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«2007 йилдан бошлаб ҳар йили, Давлат бюджетини шакллантиришда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки қарзи ва Халқаро тараққиёт уюшмаси кредити бўйича асосий қарзни, фоизлар ва воситачилик ҳақини қоплаш учун маблағларни назарда тутсин»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши ҳисоблансин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**333** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 27 апрелдаги 38-сонли «Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 августда 1032-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 24 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сонли «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий уставини ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартиралли уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдорлари ўртасидаги намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 22-сон, 196-модда) асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 27 апрелдаги 38-сонли «Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (2001 йил 17 май, рўйхат рақами 1032 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон) иловага\* асосан ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 2 август,  
71-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**334** Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
14 августда 557-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 24 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 17-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида»ги низомга (1998 йил 2 декабр, рўйхат рақами 557) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага\* мувофиқ киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган кундан ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

— **Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ** +

Ташкент ш.,  
2006 йил 14 июль,  
16/4-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
«ЎЗФАРМСАНОАТ» ДАКНИНГ  
ҚАРОРИ

**335** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ–416-сон қарори билан белгиланган имтиёзлар қўлланиладиган, четдан олиб келинадиган доридармон ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 16 августда 1612-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 26 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги «Дори воситалари ва тиббий мақсаддаги буюмларни ишлаб чиқарадиган мамлакатимизнинг корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–416-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ–416-сон қарори билан белгиланган имтиёзлар қўлланиладиган, четдан олиб келинадиган доридармон ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар рўйхати иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

**Иқтисодиёт вазири Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 август,  
7-сон

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 август,  
74-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо  
вазири Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 август,  
ЭГ-01/10-4572-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат божхона қўмитаси раиси С. НАСИРОВ

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 август,  
01-02/16-17-сон

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 август,  
6-сон

«Ўзфармсаноат» ДАК раиси Б. ЮНУСОВ

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 август,  
6-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЮК ВА ЙЎЛОВЧИЛАР  
ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
«ЎЗДАВТЕМИРЙЎЛНАЗОРАТ»  
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 336 Темир йўлларда почтани ташиш ва почта вагонларини эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
16 августда 1613-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 26 августдан кучга киради)*

Темир йўлларда почтани ташиш ва почта вагонларини эксплуатация қилиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддасига асосан **қарор қиламиз:**

1. Илова\* қилинаётган «Темир йўлларда почтани ташиш ва почта вагонларини эксплуатация қилиш қоидалари» тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва Ўрта Осиё Темир йўллар бошқармасининг 1994 йил 4 июлдаги «Темир йўлларда почта вагонларини ишла-тиш ва почта ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 182/Н-2455-сон қўшма буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқаро почтамтнинг почта вагонлари йўл

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

бригадаси ишини назорат қилишни ташкил этиш ҳақидаги йўриқномани амалда қўллаш ҳақида»ги 215-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кун ўтгач кучга киради.

**Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Б. ЮСУПОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 17 июль,  
ГИ 1/6-7-16-сон

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 17 июль,  
01-8/2319-сон

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЭЛЕКТР  
ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРAT БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

-

**337 Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 августда 1614-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 28 августдан кучга киради)*

Электр энергетикада назорат бўйича «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг низомига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова\* қилинаётган «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари» тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кунидан бошлаб 10 кун давомида амалга киритилади.

3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Электр станциялари ва электр техника саноати ишчилари касаба уюшмалари Марказий кўмитаси Президиумининг

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.



1985 йил 21 августдаги қарори, 49-сонли баённомаси ва ССРИ Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси бошқармаси томонидан 1985 йил 10 сентябрда тасдиқланган «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари» Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилмасин.

**Электр энергетикада назорат бўйича «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси бошлиғи Б. ҒУЛОМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 19 июль,  
113-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 19 июль,  
116-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**338 «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини харид қилиш нархини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 августда 1615-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 28 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-419-сонли «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини харид қилиш нархини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан сунг кучга киритилади.

**Молия вазири Р.АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 август,  
73-сон

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
Давлат қўмитаси Раиси в.б. Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 август,  
3-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**339** Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланадиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олинadиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солиқ солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
18 августда 1366-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 28 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 16 апрелдаги 64, 2004-15 ва 02/19-22-сонли қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланadиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет

эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олинadиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солиқ солиш тўғрисидаги низомга иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 18 июль,  
66-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 18 июль,  
2006-30-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси С. НАСИРОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 18 июль,  
01-02/8-9-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2006 йил 12 августдан 18 августгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 2 августдаги 71-сон буйруғи.*

*2006 йил 14 августда 1032-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 августдан кучга киради).*

2. «Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 14 июлдаги 16/4-сонли қарори*

*2006 йил 14 августда 557-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 августдан кучга киради).*

3. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ–416-сон қарори билан белгиланган имтиёзлар қўлланиладиган, четдан олиб келинадиган доридармон ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ДАК «Ўзфарманоат»нинг 2006 йил 11 августдаги 7, 74, ЭГ-01/10-4572, 01-02/16-17, 6, 6-сон қарори.*

*2006 йил 16 августда 1612-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 26 августдан кучга киради).*

4. «Темир йўлларда почтани ташиш ва почта вагонларини эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2006 йил 17 июлдаги ГИ 1/6-7-16 ва 01-8/2319-сон қарори.*

*2006 йил 16 августда 1613-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 26 августдан кучга киради).*

5. «Электр ускуналарини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Меҳнат ва аҳоли-*

ни ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йил 19 июлдаги 113, 116-сон қарори.

**2006 йил 18 августда 1614-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 28 августдан кучга киради).**

6. «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини харид қилиш нархини шакллантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2006 йил 11 августдаги 73, 3-сон қарори.*

**2006 йил 18 августда 1615-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 28 августдан кучга киради).**

7. «Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланадиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олинadиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солиқ солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 18 июлдаги 66, 2006-30, 01-02 / 8-9-сон қарори.*

**2006 йил 18 августда 1366-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 28 августдан кучга киради).**

**Тузатиш**

«Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги 334-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 мартдаги 44-сон қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 9 августдаги 169-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 323-модда) қуйидаги таҳрирда ўқилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти республика Кенгаши таркибини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти республика Кенгашининг таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги 334-сон қарорида:

1-банднинг иккинчи хатбошидаги «30» рақами «25» рақами билан;

3-бандидаги «10» рақами «15» рақами билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 9 август,  
169-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 9 августдаги 169-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар  
учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. «Ниҳол» мукофоти истеъдодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, ракс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган, уларни маънавий барка-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

мол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида берилади.

2. Номзодлар жами бешта номинация — эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, опера ижрочилиги ва рақс санъати бўйича танловлар орқали сараланади.

3. Ҳар бир ўринга муносиб номзодларни танлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда танловлар ўтказилади. Танловда иштирок этадиган ижрочилар истеъдоди томошабинлар, кенг жамоатчилик иштирокида ўзига хос синовдан ўтказилади.

4. Номзод истеъдоди ва ижро маданиятининг ўзига хослиги, бадий маҳорати ва савияси, миллий санъатимизнинг юксак намуналаридан бохабарлиги билан алоҳида ажралиб туриши, халқимиз маънавиятини юксалтириш, мустақиллик ғояларини, жамиятимизда амалга оширилаётган маданий-маърифий ислохотлар моҳиятини санъат воситасида тарғиб этишга хизмат қилиши лозим.

5. Тавсия этилаётган ишларни кўришда номзоднинг профессионал тайёргарлиги, бадий ижрочилик маҳорати, репертуар савияси (мусиқа, матн), ижтимоий фаоллиги, инсоний фазилатлари етакчи мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги, жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги инobatга олинади.

6. Академик ва анъанавий ижрочилик, эстрада, опера, рақс соҳасидаги ижодий ишларни баҳолашда номзодларнинг мамлакатимиз ва хориждаги кўрик ҳамда танловларда эришган ютуқлари ҳам эътиборга олинади.

## II. Танловни ўтказиш босқичлари

### 1-босқич (апрель)

7. Танловнинг биринчи босқичи Ўзбекистон Республикасининг туман ва шаҳарларида ўтказилади. Талабгорлар ҳужжатларини туман ва шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳузурида тузиладиган ишчи гуруҳга тақдим этадилар.

8. Ишчи гуруҳлар 5—7 кишидан иборат бўлиб, уларнинг таркибига туман, шаҳар маданият ва санъат муассасалари мутахассислари, жойлардаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари киритилади.

9. Ишчи гуруҳлар йиғилишларини ташкил этиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш туман, шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимлари ходимларидан тайинланадиган масъул котиб томонидан олиб борилади.

10. Ишчи гуруҳлар топширилган ҳужжатларни муҳокама қилиб, номзодларни атрофлича ўрганиб чиқиб ҳар бир номинация бўйича бир нафардан номзодни Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳузурида таниқли мутахассис ва санъаткорлардан тузиладиган комиссияга тавсия этадилар.

11. Агар муайян номинация бўйича муносиб номзод бўлмаса, ўша йўналишда тавсия берилмаслиги мумкин.

### 2-босқич (июнь)

12. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят комиссияларининг фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармалари томонидан мувофиқлаштирилади, унинг таркиби жойлардаги етук маданият ва санъат соҳаси мутахассислари ҳамда таниқли санъаткорлар, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари вакилларидан ташкил топади.



13. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят комиссиялари туман ва шаҳарлар ишчи гуруҳлари тақдим этган тавсияларни батафсил ўрганиб чиқиб, кенг жамоатчилик ва томошабинлар иштирокида номзодларни республика босқичига саралаш учун концерт дастури ёки кўргазмали чиқишлар шаклида кўрик-танлов ўтказилади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят комиссияси кўрик-танлов якунига кўра 4 нафаргача номзодни танлаб олиб, истеъдодли ёшларга «Ниҳол» мукофоти бериш бўйича Республика Кенгашига тақдим этади.

15. Айрим йўналишлар бўйича муносиб номзод аниқланмаса, тавсия берилмаслиги мумкин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят оммавий ахборот воситаларида номзодлар, уларнинг фаолияти, эришган ютуқлари ёритиб борилади.

### **3-босқич (июль-август)**

17. Республика Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тақдим этилган номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқади.

18. Республика Кенгаши фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

19. Республика Кенгаши барча йўналишлар бўйича номзодларни танлаб, уларнинг ижодий ишларини кўриб чиқади ва танлов асосида совриндорларни белгилайди. Қоида тариқасида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга биттадан, Тошкент шаҳрига 2 та ўрин берилади.

Бирор вилоятдан муносиб номзод топилмаган тақдирда ушбу ҳудудга ажратилган ўрин Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларга берилиши мумкин. 15 нафар совриндор Кенгашнинг махсус қарори билан тасдиқланади ва уларга «Ниҳол» мукофоти топширилади.

20. Республика оммавий ахборот воситаларида номзодлар, уларнинг фаолияти ва ижоди кенг ёритиб борилади.

21. Голибларни аниқлаш жараёни билан боғлиқ барча ишлар август ойининг биринчи ўн кунлигида якунланади.

### **III. Ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби**

22. Ҳар бир номзоднинг ҳужжатлари билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри комиссияларининг хулосалари ва қарорлари юборилади. Қарорда номзоднинг исми, фамилияси ва отасининг исми, фаолияти ва ижро маҳоратининг кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги ҳақидаги маълумотлар, мукофотга тақдим этиш асослари кўрсатилади.

Ҳар бир номзод бўйича қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

номзоднинг паспорти нусхаси, диплом нусхаси ёки таълим олаётган ўқув юртидан маълумотнома;

репертуарлар рўйхати, видео-аудио альбомлари;

номзоднинг шахсий варақаси, таржимаи ҳоли, 4 дона фотосурат (2 дона 3x4, 2 дона ижодий жараёндаги сурат), танловларда қатнашганлиги ҳақидаги диплом ёки сертификат нусхаси (агар бўлса);

доимий ўқиш ёки иш жойидан берилган ва мазкур ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган ижодий тавсифнома;

оммавий ахборот воситаларида номзод ҳақида берилган кўрсатув ва эшиттиришлар ёки мақолалар нусхаси (агар бўлса).

23. Талабгорнинг ҳужжатлари юқорида кўрсатилган тартибда ва белгиланган муддатларда қабул қилинади.

#### **IV. «Ниҳол» мукофотини топшириш тартиби**

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун «Ниҳол» мукофоти ҳар йили бир марта Мустақиллик байрами арафасида тантанали вазиятда топширилади.

25. «Ниҳол» мукофоти ўз рамзи акс эттирилган соврин ва энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баравари миқдоридagi пул маблағидан иборатдир.

26. «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлган ёшлар маданият, санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади, мамлакатнинг атоқли санъаткорларидан сабоқ олиш имкониятига эга бўлади.

27. «Ниҳол» мукофоти такроран берилмайди.

28. «Ниҳол» мукофоти совриндорларининг рўйхати Мустақиллик байрами арафасида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 9 августдаги 169-сон қарорига  
З-ИЛОВА

#### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари-Олий ва ўрта махсус таълим вазири раҳбарлигидаги республикаси комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 4 ноябрдаги 519-сон қарорига 7-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 мартдаги 44-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 20-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги 334-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 мартдаги 44-сон қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2006 йил 16 майдаги 86-сон қарори 1-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошлари.».